

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАБАЕВА НАРГИС БАТИРОВНА**

**ШАХСДА АЛЬТРУИСТИК ХУЛҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора по психологических наук  
(DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of  
Psychological Sciences (DSc)**

<b>Атабаева Наргис Батировна</b> Шахсда альтруистик хулқни ривожлантиришнинг психологик асослари.....	3
<b>Атабаева Наргис Батировна</b> Психологические основы развития альтруистического поведения у личности.....	31
<b>Atabayeva Nargis Batirovna</b> Psychological foundations of the development of altruistic behavior in a person..	59
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАБАЕВА НАРГИС БАТИРОВНА**

**ШАХСДА АЛТРУИСТИК ХУЛҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Psi62 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Нишанова Замира Таскараевна**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Абдурасулов Рустам Абдураимович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Баратова Дилафруз Шарифовна**  
психология фанлари доктори, доцент

**Шамсиев Ўктам Бахриддинович**  
психология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди .  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.А.Акрамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, доцент

**Д.С.Қаршиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.Г.Камилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, психология фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари шахс ҳаёти ва фаолиятида эришаётган ютуқлари билан бир қаторда унинг хулқ-атворида юзага келаётган худбинлик, ўз шахсий манфаатига устунлик бериш билан боғлиқ хулқдаги ўзгаришларни ортиши, кибертехнологияларга асосланган жиноятларнинг кўпайиши, шахс ахлоқий ривожланиши масалалари аҳамияти даражасининг пасайиши тенденциялари кузатилмоқда. «Ижтимоий, диний, миллатлараро, этник дискриминация, экстремизм, ксенофобияга қарши курашиш учун ахлоқий установка ва мотивларни шакллантириш»<sup>1</sup> муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу борада ахлоқий онг ва унинг мотивларини Эго-тузилманинг конструктлари билан интегротив намоён бўлишини кучайтириш, психологик иммунитетни шакллантириш, шахс қадриятлар тизимида ахлоқий тушунчаларни барқарорлаштиришни таъминлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда альтруистик хулқ мотивларини ривожлантиришга қаратилган янги мазмундаги амалий дастурларни яратиш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда альтруизм мотивларининг когнитив, аффектив, конатив компонентларининг шахс хулқ-атворида таъсирини нейробиологик нуқтаи назардан аниқлаш, шахслараро муносабатларнинг турли кўринишларида альтруистик позицияни эмпатиявий йўналганлик орқали ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг шахс ахлоқий ривожланишига нейросоциопсихологик таъсирини ёритиб бериш билан боғлиқ йўналишлардаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада ёшларда альтруистик хулқнинг мотивлари ва когнитив детерминантларини ижтимоий таъсир механизмлари томонидан англанган даражасини психологик қайта тизимлаштириш, ёшларда психологик барқарор муҳитни қадриятлар интереоризацияси асосида шакллантириш, улар ижтимоий фаоллигини шахс дифференциал хусусиятларининг интегротив таъсири орқали ошириш, шахслараро муносабатлардаги эгоистик установкаларни эмпатиявий йўналганликни кучайтиришга мувофиқ бартараф этиш, онтогенетик тараққиётнинг илк босқичлариданоқ «альтер Эго»ни конструктив тизимлаштириш асосида ривожлантиришга йўналтирилган психотехнологияларни миллий муҳитга модификациялаш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни устувор даражада амалга ошириш зарурати кузатилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда «Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади»<sup>2</sup> тамойилига кўра, Янги Ўзбекистон ёшларини ижод, илм, таълим-тарбияда пешқадам қилиб тарбиялашнинг концептуал ғоялари бўйича зарур ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилиб, «ёшларни Ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида,

<sup>1</sup><https://rg.ru/documents/2015/06/08/vospitanie-dok.html> (мурожаат ҳолати 2021 йил 15 декабрь).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 30 сентябр /<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>

зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш»<sup>3</sup> устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада шахнинг ахлоқий сифатларини тарбиялаш, альтруистик хулқнинг рационал шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларни дифференциал жиҳатларини аниқлаш, альтруистик кечинмалар намоён бўлишининг психодиагностик имкониятларини ишлаб чиқиш ҳамда эгоистик установакаларни кадриятлар трансформацияси орқали коррекциялашнинг психологик механизмларини чуқурлаштиришга қаратилган янгича назарий ечимларни илмий тадқиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармон, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>4</sup>

Шахс ахлоқий ривожланиши, альтруизм мотивларининг ривожланиши муаммосига доир психологик йўналишдаги илмий изланишлар дунёнинг куйидаги етакчи таълим ташкилотлари ва илмий марказларида, жумладан: «Халқаро кўнгиллиларни кучайтириш ассоциацияси», (Буюк Британия); Британия Психологик Жамияти (Буюк Британия); «Кўнгиллилар ассоциацияси» (Германия); Сарбонна университети (Франция); Миллий таълим университети (Корея); Жаҳон кадриятлари тизими таҳлили уюшмаси (Швеция); М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни ЎРҚ-406 / <http://lex.uz>

<sup>4</sup> Диссертация мавзусига доир хорижий тадқиқотлар Буюк Британиянинг International Association for the Promotion of Volunteers ([URL:https://www.iave.org/transformativimpact/uk-aid-for-websites-small/](https://www.iave.org/transformativimpact/uk-aid-for-websites-small/)), Буюк Британиянинг British Psychological Society ([URL:https://www.bps.org.uk/](https://www.bps.org.uk/)), Германиянинг The Federal Volunteer Service ([URL: https://ru-geld.de/en/migration/work/volunteer.html](https://ru-geld.de/en/migration/work/volunteer.html)), Франциянинг International Association of Universities ([URL: https://www.iau-aiu.net](https://www.iau-aiu.net)), Кореянинг National University of Education ([URL: https://knue.ac.kr/smain.html](https://knue.ac.kr/smain.html)), Швециянинг World Values Survey Association ([URL:https://www.worldvaluessurvey.org/wvs.jsp](https://www.worldvaluessurvey.org/wvs.jsp)), Россия Федерациясининг Московский государственный университет имени М. В. Ломоносова ([URL: https://international.msu.ru/ru](https://international.msu.ru/ru)) каби жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, фондлари, ассоциациялари ҳамда федерацияларида олиб борилмоқда.

Федерацияси)ларида олиб борилмоқда.

Жаҳонда шахсдаги альтруистик хулқнинг ривожланиш муаммоларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: фарзанднинг деструктив хулқ оғишини олдини олишда альтруистик установкаларни конструктив мулоқот асосида кучайтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган («International Association for Volunteer Empowerment: Халқаро кўнгилчиларни кучайтириш ассоциацияси», Буюк Британия); альтруистик хулқнинг бош мия фаолиятидаги импульслар фаоллашуви билан боғлиқ нейробиологик асосларига кўра такомиллаштирилган (The british psychological society: Британия Психологик Жамияти, Буюк Британия); аҳоли қатламлари орасида кўнгилчилар ҳаракатини кучайтириш учун ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг онтогенетик хусусиятларга боғлиқ бўлган гетерохронлик, сензитивлик психологик қонуниятлари очиб берилган ва ўзаро ёрдам бериш индексини аниқлаш бўйича мониторинг олиб боришнинг интегратив механизмлари ишлаб чиқилган («The Federal Volunteer Service: Кўнгилчилар ассоциацияси», Германия); шахсда альтруистик ҳис, установкаларни хулқ мотивларига боғлиқлик жиҳатларининг ижтимоий детерминантлари тизимлаштирилган (International Association of Universities Франция); миллий кадриятлар тизими таъсирида шахс психологик қиёфасини ва болада альтруистик йўналганлик ривожланишининг когнитив хусусиятлари тизимлаштирилган (National University of Education: Миллий таълим университети Корея); таълим-тарбия масканларида аҳолининг ижтимоий фаоллик даражаси ва кўнгилчилар гуруҳининг шаклланишини «беғаразлик», «детерминизм» тамойиллари тизими такомиллаштирилган («World Values Survey Association: Жаҳон кадриятлар тизими таҳлили уюшмаси» илмий тадқиқот институти, Швеция); хулқ мотивларини ёшга оид дифференциал ифодаланишига асосан шахслараро муносабатлар ҳамда шахсни ахлоқий ривожлантиришнинг дастурий тизими рақамли технологиялар воситасида яратилган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Федерацияси).

Жаҳонда ижтимоий ахборотлар оқимининг кучайиши таъсирида оилавий ва ахлоқий кадриятлар тизимининг трансформацияланиши билан боғлиқ шахс ривожланишидаги психологик муаммоларини амалий ечимини топиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан, шахсда ахлоқий тушунчалар тизимини шаклланишига салбий таъсир этувчи омилларни рақамли дастурий воситалар орқали аниқлаш бўйича психологик усулларни таклиф этиш, миллий ахлоқий когницияларнинг ривожланишида альтруистик ҳиснинг онг ва фаолият бирлиги тамойилига асосланиб, инновацион комплекс чораларни амалга ошириш, миллий кадриятларни онтогенетик тараққиётда ифодаланишининг ўзига хос жиҳатларига мувофиқ альтруистик хулқ мотивлари намоён бўлишини прогнозлаш имконини берувчи усулларни татбиқ этиш орқали психодиагностик,

психокоррекцион методикалар базасини такомиллаштириш кабилар шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон психология илмида альтруизм муаммоси алоҳида тадқиқот предмети сифатида тадқиқ этилмаган бўлса-да, педагог ва психологлар томонидан альтруизмга ёндош бўлган сифатлар, уларнинг психологик хусусиятлари, миллий тарбия ҳамда ижтимоий омиллар таъсирида ахлоқий тасаввурларнинг шаклланишига оид айрим масалалар психолог-олимлардан Ф.А.Акрамова, Б.М.Ботиров, М.Т.Исоқова, З.Т.Нишанова, Н.С.Сафаев, Г.М.Шакирова ва бошқалар<sup>5</sup> томонидан кам даражада ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан К.Абульханова-Славская, А.Быков, Е.Ермакова, В.Ким, О.Мацакова, И.Мангутова, А.Моисеева, Д.Подольский, Е.Субботский ва бошқалар<sup>6</sup> томонидан ўқувчиларда альтруистик муносабатлар шаклланишининг ижтимоий-психологик асослари илмий тадқиқ этилган.

Хорижий олимларидан альтруизм муаммосини G.N.Avhach, M.Burke-Beltrand, O.Comte, L.Kolberg, A.Smith, J.Piaget, P.Ekman ва бошқалар<sup>7</sup> тадқиқ этиб, альтруизм феноменининг муҳим жиҳатларини кўрсатиб беришган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ПЗ-20170923121-рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

<sup>5</sup>Акрамова Ф.А. Юқори синф ўқувчилари тасаввурида севги-муҳаббат ҳислари намоён бўлишининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари: Психол.ф.н.... дис. – Т.: ТДПУ. 1997. – 158 б.; Ботиров Б.М. Ўзбек миллий характерини шаклланишига кадрятлар таъсирининг психологик хусусиятлари: Психол.ф.н....дис. – Т.: ТДПУ. 2011. – 156 б.; Исоқова М.Т. Миллий анъаналар ва ижтимоий омиллар таъсирида илк ўспиринларда маънавий тасаввурларнинг шаклланиши: П.ф.н.... дисс. – Т.: ТДПУ, 1999. -178 б.; Нишанова З.Т. ва б. Ўқувчиларда миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг илмий услубий асослари. – Т.: Адабиёт учкунлари. 2018. - 125 б.; Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи: Дис. ... д-ра. псих. наук. – Т.: УзНУ, 2005. – 36 с.; Шакирова Г.М. Психологические аспекты формирования нравственных убеждений у школьников на уроках литературы. Дис.... к.пс.н. М., 1982. - 152 с.

<sup>6</sup>Абульханова - Славская К.А. Развития личности в процессе жизнедеятельности // Психология формирования и развития личности. - М.: Академия.1981. С. 19-44; Быков А.В. Альтруизм в социологических теориях: интегративный подход: Автореферат дисс.... к.с.н. -М.: 2015. – 28 с.; Е.Ермакова Формирование альтруистических отношений у подростков-школьников: Автореферат дисс.... к.психол.н. - М.: 1999. – 28 с.; Ким Е.В. Диагностика альтруистических установок личности: Автореферат дисс.... к.пс.н. – Москва. 1984. С. 4-7; Мацакова О.Д. Демократический этос альтруизма в современном общественном сознании: Автореферат дисс.... к.ф.н.- Омск. 2004. – 34 с.; Мангутова И.В. Психолого-педагогические условия развития альтруизма у детей старшего подросткового возраста: Автореферат дисс.... к.п.н – Нижний Новгород. 2007. С. 2-3; Моисеева А.А. Альтруистическая направленность личности и ее формирование в семье: Автореферат дисс.... к.пс.н. – Санкт –Петербург. 2007. С. 5-7; Подольский Д.А. Особенности альтруистической позиции в подростковом возрасте: Автореферат дисс.... к.пс.н. – Москва. 2006. С. 8-10; Субботский Е.В. Исследование проблем взаимопомощи и альтруизма в зарубежной психологии // Вопр. психол. – 1977. – № 1. – С. 164–174.

<sup>7</sup>Авхач Г.Н. Психологические особенности правдивого и неправдивого поведения детей дошкольного возраста: Автореферат дисс.... к.п.н. – М.: 1981. С. 5-6; Бурке-Бельтран М.Т. Изучение персона этически-положительного поведения у старших дошкольников. – В сб.: Экспериментальные исследования по проблемам педагогической психологии / под ред. М.И.Лисиной. -М.; 1979. С. 46-51; Конт О. Общий обзор позитивизма / перевод с французского И.А.Шапиро. Под ред. Э.Л.Радлова. – Изд. 2-е. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2011. – 296 с.; Comte A. General view of positivism / translate from the French of A.Comte by J.H.Bridges. – London: PATERNOSTER ROW, 1865. – 449 p.; Kohlberg Lawrence. Essays on Moral development. Vol. 1: The philosophy of moral development. San Francisco, CA: Harper & Row. 1981. -224 p.; Смит А. Теория нравственных чувств. – М.: Республика, 1997. – 352 с.; Piaget J. The moral Judgment of the Child. London: Kegan Paul, Trench, Trubner and Co. 1932. -324p.; Экман П. Психология эмоций / пер. с англ. В.Кузин. – СПб.: Питер, 2010. – 336 с.

**Тадқиқотнинг мақсади** шахсда альтруистик хулқни ривожлантиришнинг психологик асосларини илмий-усулубий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шахсда рационал альтруистик хулқ намоён бўлишининг ёшга оид динамик ва гендер хусусиятларини тадқиқ қилиш;

шахсда альтруистик хулқнинг ҳиссий-мотивацион, шахс хусусиятлари билан боғлиқлик даражасини таҳлил қилиш ва альтруистик хулқнинг мотивларини аниқлаш;

шахсдаги реал ва идеал «альтруистик Мен» образининг хулқдаги ифодасини ёшга оид хусусиятлар билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаштириш;

рационал альтруистик хулқни ривожлантиришнинг таркибий компонентларини аниқлаш ва тизимлаштириш асосида психологик моделни шакллантириш;

ўқувчи ва талабалардаги рационал альтруистик хулқ компонентларининг даражавий намоён бўлишига асосланиб, шахсда альтруистик мотивацияни ривожлантиришга қаратилган психокоррекцион амалий-усулубий таъминотни шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида шахсда альтруистик хулқни ривожлантириш жараёни танланган бўлиб, тадқиқотга Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 300-сонли, Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 60-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг 108 нафар ўсмир ёшидаги, 102 нафар илк ўспиринлик давридаги ўқувчилари, Тошкент давлат педагогика университетининг 96 нафар, Бухоро давлат университетининг 82 нафар, Қарши давлат университетининг 84 нафар талабалари, жами 472 нафар респондентлар жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** шахсда альтруистик хулқни ривожлантиришнинг психологик асослари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, шунингдек, С.К.Нортова-Бочавернинг «Альтруизм мотивацияси» сўровномаси, Ф.Раштоннинг «Альтруизм шкаласи» сўровномаси, С.Холлнинг «Эмоционал интеллектни аниқлаш» сўровномаси, Е.Ф.Бажин, С.А.Голынкина, А.М.Эткиндларнинг «Субъектив локал назорат» сўровномаси, Т.Лири томонидан ишлаб чиқилган ва Р.Л.Лафарже, Р.Ф.Сучек томонидан модификацияланган «Интерперсонал ташхис сўровномасининг альтруизм шкаласи», Р.Б.Кеттеллнинг «16-факторли шахс сўровномаси» методикаларидан фойдаланилди. Олинган натижаларни статистик ишончлилиқ даражаси математик статистика методларидан: Пирсон r-корреляция коэфффици, Стьюдентнинг t-мезонлари орқали тасдиқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

рационал альтруистик хулқ ривожланишида шахслараро муносабатлардаги ахлоқий тушунчаларни шахснинг ўз «Мен»ига муносабати ҳамда эмоционал қадриятлар тизими шаклланганлик даражаси билан ўзаро уйғун ҳолда

ифодаланиши туфайли, ёш ва жинс хусусиятларига боғлиқ дифференциал фарқлар мавжудлиги асосланган;

шахс қадриятлар тизимида рационал альтруистик хулқ барқарорлашувида ахлоқнинг когнитив ва ижтимоий компонентида эмпатиявий идентификацияни рефлексив жараёнлар билан боғлиқ ҳолда интегратив намоён бўлиши туфайли эмоционал интеллект муҳим омил эканлиги далилланган;

шахс дифференциал хусусиятларининг альтруистик хулқ намоён бўлишига таъсири натижасида ахлоқий тушунчаларнинг стеник ҳислар фаоллашуви билан конатив соҳага уйғун ҳолда альтруист шахс психологик профилида ифодаланиши туфайли интеллектуал ва эмоционал хусусиятлар устувор характерга эга эканлиги асосланган;

шахсдаги «альтруистик Мен»ни реал ва идеал «Мен»да дифференциал ифодаланишига кўра интернал локус назоратнинг вазиятга когнитив баҳо бериш ва ахлоқий тушунчаларни хулққа проекциялаш кўникмалари шаклланишида даражавий намоён бўлиши туфайли альтруистик хулқнинг ривожланишида рефлексив компонент муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

шахсда рационал альтруизмни ривожлантириш модели эмпатия, ижтимоий перцепция, ижтимоий масъулият ҳисларини шакллантириш орқали ахлоқий тушунчаларни реал хулқ билан идентифлигини таъминлаш муҳимлигига кўра альтруистик хулқнинг «вербал-конатив идентифлиги» компонентини киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

альтруизм мотивациясини ёш ва жинс хусусиятлар билан боғлаб изоҳлашнинг психологик мезонлари кўрсатилган;

шахсда альтруистик хулқни ривожлантиришнинг когнитив ва эмоционал компонентларини шахс дифференциал хусусиятларида ифодаланишига асосланиб, альтруист шахснинг психологик профили яратилган;

шахсда альтруизмни ривожлантириш тамойилларига асосан психотехнологиялар модели яратилган ҳамда ўсмирлар, илк ўспиринлар ва талабаларнинг альтруистик йўналганлигини оширишда қўлланилган;

шахсда альтруизмни ривожлантириш учун қўлланиладиган психологик таъсир кўрсатиш технологиялари «Миллий хусусиятлар психодиагностикаси ва психокоррекцияси» номли ўқув қўлланма яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий жиҳатдан асосланган, ривожланиш психологияси йўналишида амалиётчи мутахассислар томонидан кенг қўлланивчи методик воситалар, математик-статистиканинг турли даражадаги (бирламчи ва юқори даражалардаги) методлари комплекс қўлланилган; респондентлар танланма тўпламининг ҳажми психологик тадқиқотларда тавсия этилган талаблар асосида ишлаб чиқилган; илмий-назарий таҳлил, натижалар шарҳида ишончли манбаларга асосланганлиги; асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шахсда ахлоқий ривожланишнинг

индивидуал-психологик ва объектив омиллари, ички механизмлари ҳақидаги илмий тасаввурларни бойитиши, шунингдек, тадқиқот материаллари шахс мотивацион соҳасида бошқа одамларга муносабатни белгиловчи мотивлар тўғрисидаги илмий билимларни ҳамда «Ривожланиш психологияси», «Педагогик психология», «Ижтимоий психология», «Дин психологияси» каби фанларни илмий маълумотлар билан тўлдириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти альтруизм, альтруистик хулқ шаклланиши ва ривожланишининг психологик қонуниятлари ҳақидаги билимлардан ёшларнинг ахлоқий тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ҳамда альтруистик хулқнинг ёш ва жинс тафовутларига оид хусусиятлари изоҳланган маълумотлардан умумий ўрта таълим мактабларида «Тарбия» фанининг илмий-услубий воситаларини қўллашда, альтруистик хулқ ривожланишининг амалий таъминотини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари психолог кадрлар амалий тайёргарлигини оширишга ёрдам бериши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шахсда альтруистик хулқни ривожлантиришнинг психологик асосларини ўрганишга доир олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида:

рационал альтруистик хулқ ривожланишида шахслараро муносабатлардаги ахлоқий тушунчаларни шахснинг ўз «Мен»ига муносабати ҳамда эмоционал кадриятлар тизими шакланганлик даражаси билан ўзаро уйғун ҳолда ифодаланиши туфайли, ёш ва жинс хусусиятларига боғлиқ дифференциал фарқлар мавжудлигига оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 17 ноябрдаги ПМ-15сонли буйруғига асосан «Ривожланиш психологияси» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 17 ноябрдаги ПМ-15-сон маълумотномаси). Натижада шахсда рационал альтруистик хулқ намоён бўлишининг ёшга оид динамик ва гендер хусусиятларининг психодиагностик имкониятларини такомиллаштиришга эришилган;

шахс кадриятлар тизимида рационал альтруистик хулқ барқарорлашувида ахлоқнинг когнитив ва ижтимоий компонентида эмпатиявий идентификацияни рефлексив жараёнлар билан боғлиқ ҳолда интегратив намоён бўлиши туфайли эмоционал интеллект муҳим омил эканлиги далиллашга оид маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 17 ноябрдаги ПМ-15сонли буйруғига асосан «Педагогик психология» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 17 ноябрдаги ПМ-15-сон маълумотномаси). Натижада шахсда альтруистик хулқнинг хиссий-мотивацион, шахс хусусиятлари билан боғлиқлик даражасини таҳлил қилиш ва альтруистик хулқнинг мотивларини аниқлаш имконияти кенгайтирилган;

шахс дифференциал хусусиятларининг альтруистик хулқ намоён бўлишига таъсири натижасида ахлоқий тушунчаларнинг стеник ҳислар фаоллашуви билан конатив соҳага уйғун ҳолда альтруист шахс психологик профилида ифодаланиши туфайли интеллектуал ва эмоционал хусусиятлар устувор

характерга эга эканлигига оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 17 ноябрдаги ПМ-15сонли буйруғига асосан «Ижтимоий психология» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 17 ноябрдаги ПМ-15-сон маълумотномаси). Натижада шахсдаги реал ва идеал «альтруистик Мен» образининг хулқдаги ифодасини ёшга оид хусусиятлар билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаштиришга эришилган;

шахсдаги «альтруистик Мен»ни реал ва идеал «Мен»да дифференциал ифодаланишига кўра интернал локус назоратнинг вазиятга когнитив баҳо бериш ва ахлоқий тушунчаларни хулққа проекциялаш кўникмалари шаклланишида даражавий намоён бўлиши туфайли альтруистик хулқнинг ривожланишида рефлексив компонент муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 17 ноябрдаги ПМ-15сонли буйруғига асосан «Психологик хизмат» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 17 ноябрдаги ПМ-15-сон маълумотномаси). Натижада рационал альтруистик хулқни ривожлантиришнинг таркибий компонентларини аниқлаш ва тизимлаштириш орқали психологик моделни шакллантиришнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган;

шахсда рационал альтруизмни ривожлантириш модели эмпатия, ижтимоий перцепция, ижтимоий масбулият ҳисларини шакллантириш орқали ахлоқий тушунчаларни реал хулқ билан идентифлигини таъминлаш муҳимлигига кўра альтруистик хулқнинг «вербал-конатив интеграцияси» компонентини киритиш асосида такомиллаштирилганлигига оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 17 ноябрдаги ПМ-15сонли буйруғига асосан «Психологик хизмат» модули мазмунига сингдирилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йили 17 ноябрдаги ПМ-15-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи ва талабалардаги рационал альтруистик хулқ компонентларининг даражавий намоён бўлишига асосланиб, шахсда альтруистик мотивацияни ривожлантиришга қаратилган психокоррекцион амалий-услубий таъминотни шакллантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан 10 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Тадқиқот натижалари бўйича Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк Агентлигидан 1 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 202 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, методлар, объект ва предмет кўрсатилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда тадбиқ этилиши, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумот келтирилган.


Диссертациянинг **«Психологияда альтруистик хулқ ҳақидаги қарашларнинг илмий асослари»** деб номланган биринчи боби мазмуни адабиётлар таҳлиliga қаратилган бўлиб, унда муқаддас манбалар (Авесто, Қуръон, ҳадис намуналарида), Шарқ мутафаккирларининг (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва б.) педагогик-психологик ғоялари, хорижлик олимлар (О.Конт, З.Фрейд, Дж.Аронфрид, А.Смит, К.Гиллиган, В.Печенев, Л.Кольберг, Ж.Пиаже, П.Экман, С.Стоуб, В.Мухина, Ш.Надирашвили, Е.Субботский ва б.) ва ўзбек психологларининг (Ф.Акрамова, Б.Ботиров, М.Исоқова, З.Нишанова, Н.Сафаев, Г.Шакирова ва б.) илмий қарашларида альтруистик хулқни намоён бўлишининг индивидуал-психологик, ёш ва жинсга оид жиҳатлари тизимлаштирилган. Альтруизм ҳодисаси Шарқ алломалари асарларида унга ёндош бўлган саховат, футувват, ҳимматлилик, мурувват, беминнат ёрдам бериш каби сифатлар талқинида, ўзбек психологлари изланишларида эса альтруистик хулқнинг намоён бўлишига таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос талқини баён қилинган.

Психологияда альтруизм ва альтруистик хулққа ижтимоий хулқ-атвор сифатида қаралади ва унинг мотивларини тушунтиришда уч хил ёндашув мавжуд: психологик, ижтимоий (ижтимоий меъёрлар), биологик (эволюция). Альтруизм феномени ва альтруистик хулқ ҳамда унинг турларига оид хориж олимларининг тадқиқотларини таҳлил қилиб, альтруистик хулқнинг рационал турини изоҳлаш учун муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик. Унга кўра, рационал альтруизм - ижтимоий бағараз адолат тамойилига асосланган ахлоқий тушунчаларни стеник ҳислар фаоллашуви билан хулқда ифодаланишини акс эттирувчи барқарор қадриятлар тизимидаги шахс хусусиятидир.

Мазкур феноменни изоҳлашда шахс хусусиятлари, эмоционал ҳолати, ёшга, жинсга оид хусусиятлари қадриятлар тизими билан боғлиқлик жиҳатлари юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

Диссертацияни **«Альтруистик хулқ намоён бўлишининг ёшга оид динамик хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида синалувчиларда альтруистик хулқ мотивлари ва тенденциясининг даражавий ифодаланишини аниқлашга қаратилган психодиагностик методикаларнинг психометрик сифатлари, альтруистик хулқ детерминантларининг методологик асослари таҳлил қилиб берилган. Бундан ташқари мазкур бобда альтруистик хулқнинг ёш ва жинсга оид хусусиятлари таҳлил қилинган эмпирик маълумотлар шарҳлаб берилган.

Дастлаб респондентларимизнинг альтруистик хулқ «йўналган объект» ҳақидаги вербал тушунчалар тизими суҳбат натижалари асосида аниқлаб олинди ва қуйидаги натижаларга эришилди:



**1-расм. Шахснинг альтруизм «йўналган объект» ҳақидаги вербал тушунчалар тизимининг ўзига хос хусусиятлари (N=472)**

Диагностик суҳбат давомида респондентларнинг альтруизм йўналган объекти ҳақидаги вербал тушунчалари қайд этиш учун мини бланкалардан фойдаланилди. Олинган натижаларга кўра альтруизм «йўналган объект»лар шартли равишда 5-гурухга бирлаштирилди. Натижалар ҳар бир аудиторияда ўзига хос кўринишга эга бўлди. Ўсмирлар гуруҳида альтруизм «йўналган объект» сифатида тенгдошлари энг кўп кўрсаткичга эга бўлган. Бунинг асосий сабаби ўсмирлик даврига хос бўлган тенгдошлари билан мулоқот ҳамда ўзаро тан олиндиш эҳтиёжидир. Ўсмирлик даврида шахснинг атрофдагиларига, айниқса тенгдошларига альтруистик муносабати негизда ёшга оид хусусиятлардан ижтимоий тан олиндиш, ижтимоий қўллаб-қувватланиш, гуруҳда ўз мавқеига эга бўлиш, тенгдошлари томонидан илиқ муносабатга эришиш орқали ўз «Мен»ини ижтимоий контекстда тан олиндишига эришиш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Қолаверса, ўсмирлар тенгдошларига ёрдам беришга уриниш орқали ўзларининг эмоционал муносабат ўрнатиш билан боғлиқ ўзига хос тарзда автономияларни намоён қиладилар. Ўсмир тенгдошлари назарида энг яхши «альтруист»га айланиш орқали психологик автономиялари репрезентациясини кучайтиришга эришадилар. Агар ўсмирларнинг натижалари қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, иккинчи даражада кичик болалар, учинчи даражада ота-оналар турибди. Бу ҳолат ҳам ўсмирлардаги альтруизмнинг ёшга оид хусусиятларга боғлиқлигини кўрсатади. Чунки, ўсмирларда ўзидаги автономияларни «мустакилликка интилиш» ва «катталиқ ҳисси» орқали намоён қиладилар. Мазкур ҳолатда ўсмирлар ўзларининг «Мен»ини ижтимоий мақомини ошириш ва альтруистик фонда намоён қилиш учун кичик болалар гуруҳига референтометрик таъсир этишга устунлик англатади. Ота-оналар аудиториясига нисбатан эса ижтимоий муносабатларда кўпроқ ижтимоий кутувларга мослашиш билан боғлиқ альтруистик хулқ паттернлари кузатилиши аниқланган.

Халқаро бахтилик индекси бўйича статистик маълумотларнинг кўрсатишича, инсондаги чинакам бахт ҳисси ва бегараз альтрустик установакаларни намоён бўлишида «нотаниш инсонларга ёрдам кўрсатиш» частотаси энг юқори ўринга эга. Бироқ, мазкур кўрсаткич ўсмирларда энг паст натижага эга бўлган. Бу ҳолат яна бир қарра ўсмирлардаги альтрустик хулқ тенденцияларини ўсмирлик давридаги психологик автономияларни шахс ижтимоий мавқени «альтруист Мен»ни тасдиқлаш билан уйғун кечаётганлигини англатади.

Илк ўспиринлар гуруҳида альтруизм «йўналган объект» сифатида тенгдошлар гуруҳи кўрсатилган. Бу ҳолатни ҳам биз мазкур даврда эмоционал кадриятлар тизимининг барқарор шаклланиши, назарий-мустақил тафаккурни ривожланиши билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Чунки илк ўспиринлик даврида шахс кадриятлари тизими бевосита оилавий муносабатлар таъсирида барқарорлашиб боради. Натижада илк ўспиринда «чин дўст» ва яқин инсонлар аудиторияси пайдо бўлади. Шу боисдан ҳам тенгдошлари ва ота-оналар билан билан бўладиган муносабатлар тизимида альтрустик хулқни намоён бўлиши кучлироқ чиққан. Педагогларга нисбатан альтруизм объекти сифатида қараш 18%ни ташкил этган. Мазкур ҳолат илк ўспиринлик давридаги мустақил тафаккурнинг касбий йўналганлик негизиде шаклланиши билан болиқ. Чунки, илк ўспирин педагоглар билан муносабатлар тизимида мустақил тафаккурнинг намоён бўлиши рационал альтруизмнинг юзага чиқишига сабаб бўлмоқда. Илк ўспиринларда ҳам ўсмирлар сингари нотаниш инсонларга нисбатан альтрустик хулқни юзага чиқариш даражаси паст эканлиги аниқланган. Мазкур ҳолат альтруизмнинг бегаразлик даражасини психологик ва ижтимоий омиллар таъсирида пасайишидан ва ўзаро меҳр алмашилиш эҳтиёжини ортишидан далолат беради.

Талабалар аудиториясида эса «альтруизм объекти» сифатида энг катта кўрсаткич ота-оналар ва тенгдошлар гуруҳи кўрсатилган. Талабалик даврига келиб, шахс ўз ҳаётида билишга оид, ижтимоий, касбий қийинчиликларни бошидан кечира бошлайди. Бу қийинчиликларнинг ичида ижтимоий қийинчиликлар шахснинг шаклланишига катта таъсир этади. Хусусан, мазкур қийинчиликлар талабанинг нафақат янги муҳитга адаптацияси, балки янги ролларга адаптацияси билан кечади. Аксарият инсонлар бу даврга келиб маълум сабабларга (турмуш қурганлиги, ота-онасидан узокда таҳсил олаётганлиги, ўзи ҳам ота-оналик мавқеига эришганлиги) кўра, ота-онасига ёрдам бериши кераклиги ҳақидаги ахлоқий ҳислар эмоционал кадриятлар таъсирида фаоллашади. Талабаларнинг тенгдошлари билан муносабатлари тизимидаги альтруизм кўпроқ ижтимоий идентификация механизми таъсирида кечади. Бунда талаба тенгдошини ўзининг ўрнига кўйиб кўришга интилиш орқали, уларга ёрдам беришим керак деб ҳисоблайди. Талабанинг тенгдошларига нисбатан альтрустик хулқни амалга оширишига ундайдиган омилларнинг ичида ижтимоий алмашинув мотиви етакчилик қилади. Чунки, талаба тенгдошига ёрдам беришга интилиш орқали ўзининг ижтимоий мақеини тан олиниш билан бир қаторда «кераклилик» ҳиссини туйишга мушарраф бўлади.

Талабаларнинг натижаларида кичик болалар, педагоглар ва нотаниш инсонлар аудиториясига ёрдам кўрсатиш тенденцияси деярли бир хил қийматга эга бўлган. Бунинг асосий сабаблари, энг аввало талабаларнинг касбий шаклланиш нуктаи назаридан альтруизмнинг беғаразлик индексини ортганлиги (нотаниш инсонларга қаратилган альтруизм) ва альтруистик мотивларнинг касбий муҳим сифатлар сирасига сингиб борилаётганлигидан далолат беради. Қолаверса, респондентларимизнинг контингенти педагогика ва психология таълим йўналишида тахсил олаётганлигини ҳисобга олсак, альтруизм мотивларини шахснинг касбий муҳим сифатлари негизида шаклланиши катта аҳамиятга эга.

Альтруизм феномени шахснинг альтруистик кечинмалари билан боғлиқ ҳолда юзага келиб, у муайян даражадаги альтруистик мотивларни уйғотади. Шу боисдан, биз дастлаб, респондентларимиздаги альтруистик хулқ мотивларининг шаклланганлик даражасини аниқлаб олдик. Навбатдаги босқичда мазкур мотивлар иерархиясининг инсон хулқида доминант репрезентацияланишини аниқлаш мақсадида респондентларимизнинг альтруистик хулқ тенденцияларини аниқлаш учун Ф.Раштоннинг «Альтруизм шкаласи»ни қўлладик. Олинган натижаларнинг таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган:

#### 1-жадвал

#### Турли ёш даврида альтруистик хулқ намоён бўлишининг психологик хусусиятлари (N =472 )

Шкалалар	Ўсмирлар (n=108)	Илк ўспиринлар (n=102)	Талабалар (n=262)
Юқори даражадаги альтруистик хулқ	22,8	31,1	54,2
Ўрта даражадаги альтруистик хулқ	32,6	34,4	37,6
Паст даражадаги альтруистик хулқ	36,6	27,4	21,5

Юқорида жадвалда келтирилган натижаларга кўра, юқори даражадаги альтруистик хулқ тенденцияси талабалар аудиториясида (54,2) доминантлик қилган. Энг паст кўрсаткич эса ўсмирлар аудиториясига хос бўлган. Юқори даражадаги альтруистик хулқ тенденцияси шахсдаги альтруизм мотивларини ахлоқий бурч ҳамда ҳамдардлик ҳисси билан уйғун ҳолда доминант ҳарактерга эга эканлигини англатади. Одатда альтруистик хулқнинг ахлоқий бурч ҳисси билан уйғунлашуви ўзига ҳурмат, ижтимоий масъулиятнинг ҳамда ахлоқий ўзига баҳонинг юқорилиги билан боғлиқ бўлади. Талабаларда мазкур мезон бўйича натижаларнинг юқорилиги эмпатиявий идентификациянинг ахлоқий бурч негизида намоён бўлаётганлигини англатади. Талабаларда альтруистик хулқ эмпатиявий идентификациянинг барқарорлашуви ҳамда «Мен»га рефлексив ёндашувнинг кучайиши ҳисобига ижтимоий масъулият таъсирида рационал шаклда намоён бўла бошлайди. Бунинг натижасида альтруистик хулқ

мотивлари шахс ички структурасида барқарор альтруистик эмоционал реакцияларни фаоллаштириб, унинг хулқдаги репрезентациясини кучайтиради.

Илк ўспиринлик даврида (31,1) кўпинча фаолиятда аниқ натижаларга эришишга интилиш, эмоционал қадриятлар устунроқ бўлганлиги боис, альтруистик хулқ репрезентациясида ҳам аниқ натижага йўналганлик юқорироқ бўлади. Шахсда эмоционал қадриятларнинг таркиб топиши илк ўспиринларни альтруистик хулқни амалга оширишларида «ўзаро алмашилиш» тамойили доминантлик қилади. Мазкур ҳолат илк ўспиринларда шахслараро муносабатлар тизимида эмоционал муносабатларнинг барқарор шаклланишида эмпатиянинг роли кучайиб бораётганлигидан ва вазиятни баҳолашга когнитив ёндашувнинг устувор характерга эга эканлигидан далолат беради. Атрофдаги воқеликка когнитив ёндашувнинг устуворлиги ҳисобига альтруистик эмоциялар рационал тарзда бошқарилади. Натижада илк ўспиринларнинг альтруистик хулқ тенденциялари атрофдагиларнинг ижтимоий кутувларига мослашишга интилиш мотиви билан интегратив намоён бўла бошлайди. Илк ўспиринлик даврига келиб эса эмоционал фон барқарорлашиб боради. Бу даврда эмоционал алоқа, яқинлик ва ўзаро тушуниш эҳтиёжи негизида дўстлик, севги ҳислари идеаллаштирилади. Дўстлик ва севги ҳисларининг замирида шахснинг ахлоқий йўналганлиги ва эмоционал ахлоқий дунёқараши шаклланиб боради. И.С.Коннинг фикрича, илк ўспиринлик даври эмоционал яқинлик ва яқдил ижтимоий қизиқишларга асосланган туйғулар устунлик қилади, натижада шахсда ижтимоий эмоционал мотивлар етакчи ўринга чиқади. Айнан мана шу мотивлар, шахснинг қадриятлар тизими ва эмоционал йўналганлиги (у ёки бу ҳиссий кечинмаларнинг шахсий қадриятлар иерархиясида мустаҳкамланиши)ни белгилаб беради.

Ўсмирларда альтруистик хулқнинг юқори даражада репрезентацияланиши бўйича ўртача арифметик қиймат 22,8 ни ташкил қилган. Мазкур ҳолатни изоҳлашда Д.А.Подольскийнинг ёндашувига бевосита асосланамиз. Д.А.Подольский ўсмирлик давридаги альтруистик хулқ учи хил позицияда намоён бўлади, деб қуйидаги позицияларни ажратиб кўрсатган: манипулятив, беқарор ва ҳақиқий альтруистик. Фикримизча, бундай позицияларни ўсмирлик даврида ўзига хос намоён бўлишига қараб бизнинг натижаларни ҳам шарҳлаш мумкин. Чунки, манипулятив позицияда ўсмирларнинг альтруистик хулқлари билан боғлиқ ҳолатлар вербал нутқда акс этади-ю, унинг реал хулққа проекцияланишида «гуруҳдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш» билан боғлиқ эҳтиёжлар ётади. Натижада ўсмир альтруистик хулқни ўзининг «Мен»ини ҳимоялаш учун атрофдагиларга альтруистик таъсир ўткази бошлайди. Беқарор позицияда ҳам ўсмирлик даврида эгоистик ҳамда альтруистик установкалар ўзаро интегратив кўринишда хулқда репрезентацияланади. Мазкур ҳолат ўсмирларнинг ахлоқий ҳамда эмоционал тараққиёти билан боғлиқ бўлади. Бизга маълумки, ўсмирлик давридаги психологик автономиялар уларнинг хулқ-атворини бошқаради. Шу боисдан, альтруистик хулқни вербал ҳолатдан реал хулққа трансформацияланишида «Мен» образининг конструктив шаклда намоён бўлиши, ўсмирнинг эмоционал қадриятлар тизими ҳам ўзига хос таъсирга эга.

Ўрта даражадаги альтрустик хулқ ўсмирларда 32,6 ни, илк ўспиринларда 34,4 ни, талабаларда 37,6 ни ташкил этган. Респондентларимиз орасида мазкур мезон бўйича айтарлик катта фарқ аниқланмаган. Альтрустик хулқнинг ўрта даражада намоён бўлиши тўсатдан юзага келган эмоционал вазиятларда эмпатиявий идентификациянинг когнитив дилеммалар билан интегратив кучайиши таъсирида альтруизм мотивлари репрезентацияланишининг устуворлигини таъминлаб беришидан долалат беради.

Паст даражадаги альтрустик хулқ шахснинг ахлоқий ва эмоционал ривожланишидаги номутаносибликдан дарак беради. Мазкур ҳолат ўсмирларда 36,6 ни, илк ўспиринларда 27,4 ни, талабаларда 21,5 ни ташкил этган. Мазкур гуруҳ, аслида бизнинг экспериментал гуруҳимизни ташкил этган ва уларда альтруизм, альтрустик хулқ ҳақида тушунчалар тизими мавжуд, бироқ вербал фондаги альтруизмни реал хулққа проекцияланиши билан боғлиқ ҳолатларда маълум бир психологик тўсиқлар мавжуд. Экспериментал гуруҳимиздаги альтрустик хулқни репрезентацияланишига психологик тўсиқ сифатида ўсмирларда ёшга оид автономиялар ва ўз «Мен»ини гуруҳга идентификациялашдаги психологик ҳолатлар, илк ўспиринларда вазиятга когнитив баҳо бериш орқали эмпатиянинг таъсирини камайтиришга уриниш, эмоционал қадриятлар тизимининг тўлиқ шаклланмаганлиги, талабаларда эса билишга ҳамда ижтимоий қийинчиликларни бартараф этишга йўналганликнинг кучайиши ҳисобига «ўзаро ижтимоий алмашиниш» тамойили асосида фаолликни амалга оширишнинг устуворлиги кузатилади.

Биз ҳам шахсда альтрустик хулқнинг шаклланганлигидаги гендер фарқлар ва уларга ундовчи мотивларни аниқлаш мақсадида респондентларимиздан олинган натижаларни таҳлил қилдик. Диссертацион тадқиқотимизнинг эмпирик натижалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган бўлиб, унга кўра қиз ва ўғил бола ўсмирларнинг кўрсаткичлари орасида аҳамиятли статистик фарқ кузатилмади. Лекин, илк ўспиринлик давридаги ўғил ва қиз болаларнинг кўрсаткичи орасида ( $r=-3,43$ ;  $p\leq 0,05$ ) ҳамда талабалардаги ўғил ва қиз болаларнинг кўрсаткичи орасида ( $r=-4,23$ ;  $p\leq 0,01$ ) аҳамиятли статистик фарқ кузатилган.

## 2-жадвал

### Турли ёш даврида альтрустик хулқ намоён бўлишининг гендер хусусиятлари (N =472 )

Синалувчилар	Альтрустик хулқ		t – статистик фарқ кўрсаткичи
	Ўғил болалар	Қиз болалар	
Ўсмирлар (n=108)	35,41	37,62	-1,09
Илк ўспиринлар (n=102)	44,27	52,47	-3,43*
Талабалар (n=262)	46,41	54,19	-4,23**

Изоҳ: \*  $p\leq 0,05$ ; \*\*  $p\leq 0,01$ .

Ўсмир ёшидаги ўқувчиларимизда альтруизмнинг намоён бўлишидаги статистик аҳамиятли жинс фарқларнинг кўзга ташланмаганлигига сабабни

қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўсмирлик даврида қиз болаларда ҳам, ўғил болаларда ҳам альтруистик хулқ-атвор шаклланган. Ўсмирлик давридаги қиз ва ўғил болалар ўзининг «катта Менини» тасдиқлаш учун жамиятдаги ижтимоий маъқулланган хулқ моделларини ўзлаштириб, уларни амалда қўллашга урина бошлайдилар. Бизга маълумки, оилада азал-азалдан қиз болаларда атрофдагилар учун қайғуриш сифатларини ва уларда «меҳрибон она, ғамхўр умр йўлдоши» тимсолини тарбиялашга асосий эътибор қаратилган бўлса, ўғил болаларда эса мардлик, қатъиятлилик сифатларини шакллантиришга урғу берилган.

Илк ўспиринлик даврида альтруистик хулқнинг намоён бўлишида гендер фарқларнинг аниқланганлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўғил болаларда альтруистик хулқ кўпроқ реал хатти-ҳаракатлардаги ироданинг сафарбар этилиши билан боғлиқ. Бунда ўғил болалар кўпинча кимгадир ёрдам бериш орқали ўзларининг «кучли жинс» вакили эканликларини англаган ҳолда муносабат қиладилар. Шу билан боғлиқ ҳолда альтруистик хулқ «ўзлигини фидо қилиш» шаклида эмас, балки «ўйланган стратегик хулқ» шаклида намоён бўлади, қолаверса, ўғил болаларда ижтимоий масъулият ҳиссининг устуворлиги рационал альтруистик хулқни репрезентацияланишини кучайтириб беради. Қиз болаларда эса эмоционал таъсирланишнинг кучли намоён бўлиши ҳисобига альтруистик хулқ альтруистик кечинмаларнинг қадриятлар иерархиясидаги шаклланганлик даражаси билан боғлиқ. Қиз болаларда эмоционал қадриятлар, эмпатиянинг юқорилиги билан боғлиқ ҳолда альтруистик хулқ тенденциялари ҳам юқорироқ чиққан.

Талабаларда ҳам ўғил болаларга қараганда қиз болаларда альтруистик хулқ доминант эканлиги аниқланган. Мазкур ҳолат қиз болаларнинг тўсатдан юзага келган эмоциоген вазиятларга нисбатан таъсирчанлиги, рефлексив эмпатиянинг кучлилиги ҳамда альтруизмнинг вербализациялаш билан бир қаторда рационал тарзда хулққа проекциялай олиши билан белгиланади. Талабаларда альтруистик хулқ ҳақидаги тушунчалар тизими билан унинг реалликда акс этиши идентивлигини англатади. Ўғил болаларда эса альтруизм кўпроқ иродавий хусусиятлар негизда ифодаланганлиги боис, ёрдам бериш билан боғлиқ қарорларни қабул қилганларида ижтимоий масъулият ва қатъийлик билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади.

Диссертацияни «**Альтруистик хулқнинг ҳиссий-мотивацион, шахс сифатлари билан боғлиқ жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида психологик тадқиқотларда шахсда альтруистик хулқнинг шаклланишига таъсир этувчи қатор омиллар ўрганилган. Биз ўз илмий тадқиқотимиз давомида шахсда альтруистик хулқ ривожланишига таъсир этувчи ҳиссий- иродавий, когнитив омиллар, яъни шахсдаги эмоционал интеллект, локус назорат, мотивацион соҳа ҳамда шахснинг индивидуал психологик хусусиятларининг шаклланганлик даражасини тадқиқ этганмиз (3-жадвал).

Ўсмирлардаги альтруистик хулқнинг намоён бўлиш даражаси шахсдаги эмпатия ( $r=0,29$ ;  $p\leq 0,05$ ), ўз-ўзига мотивация бериш ( $r=0,45$ ;  $p\leq 0,01$ ), коммуникатив хусусиятлар ( $r=0,31$ ;  $p\leq 0,01$ ), эмоционал хусусиятлар ( $r=0,28$ ;

$p \leq 0,05$ ) билан статистик аҳамиятли равишда боғлиқ эканлиги аниқланди. Қолган шкалалар орасида аҳамиятли боғлиқлик аниқланмади.

### 3-жадвал

#### Шахсда альтруистик хулқ намоён бўлишига таъсир этувчи психологик омиллар (N =492)

Психологик ўзгарувчилар	Ўсмирлардаги альтруистик хулқ	Илк ўспиринлардаги альтруистик хулқ	Талабалик давридаги альтруистик хулқ
Эмпатия	0,29*	0,54**	0,43**
Эмоционал билимдонлик	0,01	0,36**	0,42**
Ўз эмоцияларини бошқариш	0,02	0,11	0,27*
Ўз-ўзига мотивация бериш	0,45**	0,06	0,12
Бошқаларнинг эмоцияларини тушуниш	-0,02	-0,03	0,23*
Экстерналлик	0,01	0,12	0,14
Интерналлик	0,03	0,28**	0,32**
Коммуникатив хусусиятлар	0,31**	-0,04	0,09
Интеллектуал хусусиятлар	0,02	0,23*	0,32**
Иродавий хусусиятлар	-0,05	0,06	0,11
Эмоционал хусусиятлар	0,28*	0,09	0,26*

Изоҳ: \*  $p \leq 0,05$ ; \*\*  $p \leq 0,01$ .

Ўсмирларда альтруистик хулқнинг намоён бўлишида ўз-ўзига мотивация бериш омили ҳам ижобий корреляцияга эга эканлиги аниқланди. Бу шундан далолат берадики, ўсмирларда муваффақиятга интилиш ва ўзини бирор «қахрамонона фаолиятда кўрсатиш» истаги юқори бўлади. Мазкур ҳолатни ўсмирлик давридаги ўзининг «катта Менини» тасдиқлаш истаги билан изоҳлаш мумкин. Яъни, ҳаётда фақат энг яхши кўрсаткичларга эришиш, «ҳаммадан энг яхшиси бўлиш» каби эҳтиёжлар билан боғлиқдир.

Ўсмирлик давридаги альтруистик хулқ ва эмпатия орасидаги аҳамиятли корреляцион боғлиқликни қуйидагича изоҳлаш мумкин: бизга маълумки, ўсмирлик давридаги асосий эътибор тенгдошлари билан шахслараро муносабатларда ўз «Мен»ини тасдиқлаш билан боғлиқ бўлади. Натижада ўсмирда атрофдагиларнинг ва ўз шахсий психологик кечинмаларига нисбатан қизиқиш ривожлана бошлайди ва бу ҳолат ҳали тўлалигигача ўсмирнинг эмоционал қадриятлари тизимига кўчмаган бўлади. Лекин шунга қарамай ўсмир конструктив шахслараро муносабатлар орқали дўстлар даврасида ўз ўрнини топишга интилади. Ўсмирдаги айнан мана шу конструктив шахслараро муносабатларни ўрнатишга қаратилган ҳаракатлари негизида эмпатия ҳисси доминантлик қилади ва шахсда альтруизм мотивларини намоён этади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, альтруистик мотивлар шахсда тегишли установакларни

шаклланишига ҳамда шахснинг альтруистик йўналганлигини шакллантириб, альтруистик хулқнинг намоён бўлишини кучайтиради.

Альтруистик хулқ ва коммуникатив сифатлар орасидаги корреляцион боғлиқлик ўсмирларнинг тенгдошлари билан мулоқотнинг ёшга оид тарзда намоён бўлиши билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам «альтруизм объекти» сифатида айнан тенгдошлари гуруҳи танланган ва қолаверса альтруистик хулқ ҳам айнан мулоқот эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ ҳолатда юзага келади.

Эмоционал хусусиятлар эса ўсмирнинг эмоционал таъсирчанлиги билан ҳамда уларда эмоционал қадриятлар тизимини ривожланаётганлиги билан узвий боғлиқ. Мазкур ҳолат альтруистик хулқни эмоционал контекстда репрезентацияланишини яна бир қарра исботлаб беради.

Илк ўспиринлик даврида альтруистик хулқ эмоционал билимдонлик ( $r=0,36$ ;  $p\leq 0,01$ ), эмпатия ( $r=0,54$ ;  $p\leq 0,01$ ), интерналлик ( $r=0,28$ ;  $p\leq 0,01$ ), интеллектуал хусусиятлар ( $r=0,23$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан статистик аҳамиятли равишда боғлиқ эканлиги аниқланди. Илк ўспиринлик даврида альтруистик хулқнинг бошқа шкалалар билан аҳамиятли боғлиқлиги аниқланмаган.

Илк ўспиринларда эмоционал билимдонлик омили альтруистик хулқ билан ижобий корреляцияга эга эканлиги аниқланди. Илк ўспиринлардаги эмоционал билимдонликнинг юқори бўлиши шахслар орасидаги ҳамкорликдаги фаолиятни кучайтиради ва натижада турли эмоциоген вазиятларда рационал хулқнинг юзага келишига олиб келади. Бунинг асосий сабаби илк ўспиринлар инсонлардаги турли эмоциялар, ҳиссиётларни туб моҳиятини таҳлил қилиб, тушуна бошлайдилар ва рефлексив қобилият туфайли инсонларнинг асл ҳолатини тушунадилар. Илк ўспиринларнинг айнан шундай ўзгаларнинг эмоцияларини тушуна олиш, уларни таҳлил қилиш қобилияти уларнинг альтруизмга мойиллигини оширади.

Илк ўспиринлик даврига келиб олий ҳислар ва қадриятлар тизимининг шаклланиши уларда турли ҳисларни анланган ҳолда намоён бўлишига сабаб бўлади. Шу жумладан, эмпатиянинг ҳам рационал кўринишда намоён бўлиши кузатила бошлайди. Айниқса, илк ўспиринлик даврида дўстлик ва севги ҳисларининг устунлиги, рефлексиянинг намоён бўлиши эмпатия даражасининг юқори бўлишига, ҳамдардлик ҳиссининг когнитив асосларини англаб етилишига сабаб бўлади. Бу эса альтруизм мотивларини кучайтириш орқали альтруистик хулқни илк ўспиринлик даврида чуқурроқ англанишига олиб келиши мумкин. Бунинг асл сабабини оиладаги тарбия усули ва жамиятдаги ижтимоий кутувлар билан боғлаш мумкин. Чунки, одатда ўғил болалардан ёшлигиданоқ мустақил, мард, жасур, ўз ҳиссиётларини бошқара билиш талаб этилади. Бу эса ўз навбатида улардаги шахсий ҳиссиётларини ошкор этиш имконини чеклайди. Шу боисдан, ўғил болаларда ўзгаларга ҳамдардлик кўрсатиш ошқора ҳолда кузатилмайди, лекин шунга қарамай улар ич-ичларидан азобланаётган инсонга нисбатан эмпатияни ҳис этадилар. Қиз болалар эса мутлақо бунинг аксидир, яъни улар ҳеч қачон ўз ҳиссиётларини ошкор этишдан уялмайдилар. Шу жумладан, ўзгаларга ошқора ҳамдардлик билдириш, атрофдагиларнинг ғамларига қайғуриш улар учун хосдир. Қолаверса, жамиятнинг аёлларга

нисбатан ижтимоий кутувлари ҳам, яъни меҳрибон она, яхши тарбиячи бўлиш ва бошқалар улардан айнан эмпатия ҳиссини талаб этади.

Илк ўспиринлик даврида интерналлик ва альтруистик хулқ орасидаги боғлиқлик уларнинг ижтимоий масъулиятлилиги билан боғлиқдир. Илк ўспиринлардаги ижтимоий масъулиятлилиги уни ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни зиммасига олишга ундайди. Бунинг оқибатида шахсда ижтимоий воқеликка нисбатан когнитив баҳолаш устувор бўлиб боради. Мазкур ҳолат илк ўспиринни рационал альтруизмни намоён қилишга уриниши билан белгиналади.

Илк ўспиринлик даврида интеллектуал хусусиятлар ва альтруистик хулқ орасидаги боғлиқлик эрудициянинг, альтруистик кечинмаларни фаоллаштирган вазиятга нисбатан креатив ёндашувнинг устунлигидан далолат беради. Илк ўспиринлик даврида тезлик билан рационал қарорлар қабул қилиш ва унинг натижаси учун жавобгарликни ҳис этиш юқориқдир. Бирор шахсга нисбатан альтруистик хатти-ҳаракатларни амалга оширишда эса айнан рационал қабул қилинган қарорлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки, мураккаб вазиятларда кимгадир ёрдам беришнинг муқобил вариантларини топа олиш ҳам айнан илк ўспиринларга хос хусусиятдир.

Талабалик даврида альтруистик хулқ эмоционал билимдонлик ( $r=0,42$ ;  $p\leq 0,01$ ), эмоцияларни бошқариш ( $r=0,27$ ;  $p\leq 0,05$ ), эмпатия ( $r=0,43$ ;  $p\leq 0,01$ ), бошқаларнинг эмоцияларини тушуниш ( $r=0,23$ ;  $p\leq 0,05$ ), интерналлик ( $r=0,32$ ;  $p\leq 0,01$ ), интеллектуал хусусиятлар ( $r=0,32$ ;  $p\leq 0,01$ ), эмоционал хусусиятлар ( $r=0,26$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан статистик аҳамиятли равишда боғлиқ эканлиги аниқланди. Талабалик даврида альтруистик хулқнинг бошқа шкалалар билан аҳамиятли боғлиқлиги аниқланмади.

Талабалик даврида альтруистик хулқнинг эмоционал билимдонлик билан ижобий корреляцияга эга эканлигини қуйидагича изоҳлаймиз: шахсдаги эмоцияларни идентификациялаш, яъни суҳбатдошнинг кечинмаларини идрок қилиш, унинг ҳис-туйғуларини тушуниш, адекват эмоционал ҳолатни ифодалаш айнан альтруистик хулқни юзага келтирган эмоциоген вазиятни англашга ёрдам беради. Чунки, эмоциоген стимулни эмоционал идентификациялаш орқали шахсда альтруистик кечинмалар фаоллашади, яъни биз ёрдамга муҳтож инсоннинг ҳолатини тушунишга, ҳолатни когнитив баҳолашга уринамиз. Мазкур ҳолат эса альтруистик мотивларни юзага келтириб, шахсни атрофдагиларга ёрдам беришга ундайди. Эмоционал билимдонлик шахсни атрофдагиларнинг эмоционал ҳолатини тўғри баҳолаш имконини берганлиги боис, альтруистик хулқни фаоллаштиради.

Навбатдаги ижобий корреляция берган кўрсаткич эмоцияларни бошқариш шкаласидир. Эмоцияларни бошқариш талабаларнинг ўз кечинмаларини назорат қила олиш, салбий эмоцияларнинг интенсивлик даражасини сусайтира олиш ва вазиятга нисбатан адекват эмоцияларни юзага келтириш қобилиятини англатади. Одатда эмоцияларни бошқариш ўз кечинмаларини англаганлигидан далолат беради. Шундай экан, ўз кечинмаларини англаган, уларни назорат қила оладиган шахс эмоциоген вазиятларда ҳам рационал хулқни намоён қилади ва атрофдагиларнинг ҳолатини тўғри баҳолайди. Бизга маълумки, ўзининг ҳиссий

кечинмаларини адекват баҳолайдиган инсон, албатта бошқаларнинг кечинмаларига ҳам адекват муносабатда бўлади, бу эса бевосита альтруистик хулқни юзага чиқишига сабаб бўлади.

Талабаларда альтруистик хулқ билан ижобий корреляция берган навбатдаги шкала эмпатиядир. Ўсмир ва илк ўспиринлардан фарқли равишда талабалардаги эмпатия альтруистик хулқнинг ички детерминантаси сифатида қуйидаги психологик механизмга эга: талаба эмпатия ҳиссини тафаккур ва фаолият самарадорлиги оширишда қўллайди. Бунда талаба керакли вазиятга нисбатан эмпатиявий йўналганликни намоён қилади ва вазиятни адекват баҳолашда эмпатиявий идентификациялаш механизмидан фойдаланади. Мазкур ҳолат эса атрофдагиларга ғамхўр бўлишга, улар ҳақида қайғуришга ундайди. Назарий маълумотларнинг таҳлилидан бизга маълумки, ўзгаларга ғамхўрлик қилиш, ҳамдард бўлиш альтруистик хулқни ички мотиви вазифасини бажаради. Шу боисдан, икки мезон орасида узвий боғлиқлик мавжуддир.

Эмоционал интеллектни белгилаб берувчи навбатдаги мезон бошқаларнинг эмоцияларини тушуниш бўлиб, мазкур мезон ҳам талабаларда альтруистик хулқ билан ижобий корреляция берган. Мазкур хусусиятнинг ривожланиши учун инсонга ўзига хос тажриба керак ва эмоцияларни идентификациялай олиш қобилияти керак. Чунки, ўзгаларнинг эмоцияларини тушунишнинг негизида эмоция комплекслари орасидаги боғлиқликни англай олиш, бир эмоциядан иккинчи эмоцияга ўтишдаги чегарани тушуниш, инсоннинг эмоционал ҳолатини сабабларини прогнозлай олиш, ҳиссий кечинмалар ҳақидаги вербал ахборотларни, сигналларни англаш кўникмаси ётади. Мазкур хусусиятлар бевосита альтруистик хулқнинг рационал шаклда намоён бўлишини таъминлаб беради. Чунки, шахснинг эмоционал ҳолати ҳақидаги вербал ва невербал сигналларни фарқлаш орқали биз уларнинг ҳолатига нисбатан эмоционал баҳони аниқлаштирамиз ҳамда альтруистик хулқ борасидаги қарорни қабул қилиб, атрофдагиларга ёрдам беришни бошлаймиз. Талабаларда эса мазкур ҳолат касбий йўналганлик негизида шаклланиб, касбий рефлексиянинг таъсирида альтруистик хулқ намоён бўлишини таъминлайди.

Талабаларда ҳам интернал локус назорат альтруистик хулқ билан корреляция берган. Мазкур ҳолат талабаларларнинг альтруистик хулқи ижтимоий масъулият, ахлоқий тамойиллар, кадриятлар негизида шаклланишидан далолат беради. Қолаверса, интерналлик шахсни альтруистик хулқининг ички ундовчи кучи вазифасини бажаради ва иродавий зўр беришни сафарбар этилишини таъминлайди.

Талабаларда интеллектуал хусусиятлар ва альтруистик хулқ орасидаги ижобий корреляция уларнинг ёрдам бериш билан боғлиқ эмоциоген вазиятни когнитив баҳолашлари ва мазкур когнитив баҳо ҳар томонлама мушоҳада юритиш асосида юзага келишини англатади. Вазиятни баҳолаш натижасида унинг оқибатлари таҳлил қилинади ва ижтимоий масъулият ҳисобига альтруистик хулқнинг рационал шакли юзага чиқади. Ёрдам бериш мотивлари билан боғлиқ ахлоқий бурч, масъулиятнинг кучлилиги, интуитив позициянинг барқарор альтруистик установкада намоён бўлиши кузатилган.

Талабалар гуруҳида эмоционал хусусиятлар альтруистик хулқнинг ривожланишига тўғри пропорционал эканлиги аниқланган. Талабалардаги эмоционал барқарорлик, ўзига ишончининг юқорилиги улардаги олий ҳисларнинг ва эмоционал қадриятлар тизимининг барқарор шаклланганлигидан далолат беради. Талабалик даврида фрустрацияга мойиллик кўпинча ўқув фаолиятидаги касбий шаклланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда кечади. Талабаларнинг эмоционал хусусиятларига хос бўлган дифференциал фарқлар альтруистик хулқни ҳам ўзига хос тарзда детерминациялайди. Талабалик даврида эмоционал турғунлик ва эмоционал толерантлик, касбий таъсирчанлик, рефлексив эмпатия ҳисларини юқорилиги ҳам касбий шаклланишнинг муҳим омили, ҳам альтруистик хулқни репрезентациялашнинг ички фактори вазифасини бажаради

#### 4-жадвал

#### Шахсдаги «альтруистик Мен»нинг реал ва идеал «Мен»да ифодаланишидаги дифференциал фарқлар (N=472)

Шкалалар	Реал «альтруистик Мен»	Идеал «альтруистик Мен»	t-Стъюдент мезони
Ўсмирлар	9,4	12,6	3,37**
Илк ўспиринлар	5,1	6,8	1,24
Талабалар	6,5	8,2	2,42*

Изоҳ: \*  $p \leq 0,05$ ; \*\*  $p \leq 0,01$ .

Диссертацион тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичида шахснинг альтруистик ўзини-ўзи баҳолаш хусусиятини аниқлаш мақсадида Т.Лири томонидан ишлаб чиқилган ва Р.Л.Лафарже, Р.Ф.Сучек томонидан модификацияланган «Интерперсонал ташхис сўровномасининг альтруизм шкаласи»ни ўтазиб олдик.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, реал «альтруистик Мен» билан идеал «альтруистик Мен» орасида ўсмирларда ( $t=3,37$ ;  $p \leq 0,01$ ) ва талабаларнинг ( $t=2,42$ ;  $p \leq 0,05$ ) натижаларида аҳамиятли статистик фарқлар аниқланган. Илк ўспиринларнинг натижаларида аҳамиятли фарқ аниқланмаган.

Ўсмирларнинг натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, реал «альтруистик Мен» нинг ўзи юқори баҳоланган. Мазкур ҳолатни ўсмирлик даврида ўзига берадиган баҳонинг юқорилиги билан белгилаш мумкин. Ўсмирлик даврида ўзини хушмуомала, далда берувчи, ёрдам ҳақидаги мурожаатларни эътибордан четда қолдирмайди, беғараз, меҳрибон, ишонч уйғотувчи, мулойим ва юмшоқ кўнгил, ўзгаларга ғамхўрлик қилишни ёқтиради, сахий, ҳамма нарсани кечиради, ҳаддан ортиқ дардқаш, олийҳиммат ва камчиликларга чидамли, ҳаммага ёрдам беришга интилади, атрофдагиларга ўта мурувватли, ҳаммани тинчлантиришга уринади, бошқаларга ўз манфаатларига зид равишда ғамхўрлик қилади деб ўзларини баҳолайдилар. Бу ҳолат ўсмирларнинг шахслараро муносабатларда ўз-ўзини фаоллаштириш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Реал ва идеал «Мен» орасидаги фарқлар аҳамиятли даражада бўлиб, шахсни айни дамдаги

Ўзининг альтруистик хулқ тенденцияларидан қониқиш даражасини биров пастлигидан, лекин идеал образда альтруистик инсон қиёфасининг мавжудлигидан далолат беради. Идеал альтруистик «Мен»нинг натижаларини жуда юқори кўрсаткичлар мезонида ётганлиги ўсмирда келажак билан боғлиқ рефлексиянинг, ўзини келажакка интилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг мавжудлигини англатади.

Илк ўспиринларнинг натижалари орасида аҳамиятли статистик фарқлар аниқланмади. Мазкур ҳолат илк ўспиринларнинг реал ва идеал «Мен»ида ўзига адекват баҳо бериши ҳамда альтруистик хулқ эгаси сифатида ўзини рефлексив таҳлил қилаётганлигидан далолат беради. Илк ўспиринларда идеал образни баҳолашда қадриятлар тизимидаги альтруистик хулқ мезонлари кўрсатиб ўтилганлиги, уларнинг ўзига бераётган баҳосининг адекватлигини англатади. Айниқса, ўзларини беғараз, меҳрибон, ишонч уйғотувчи, ўзгаларга ғамхўрлик қилишни ёқтирадиган инсон деб баҳолашлари эмоционал қадриятлар тизимининг ўзига хос тарзда реал ва идеал менда идентификацияланаётганлигидан далолат беради.

Талабалар аудиториясида реал «альтруистик Мен» билан идеал «альтруистик Мен» орасида аҳамиятли фарқ аниқланганлиги, талабанинг ўз реал менида альтруистик хулқ тенденциялари боғлиқ хусусиятлар мулойимлик, беғаразлик, ёрдамга тайёрликнинг ўзига хос психоэмоционал ҳолатини ифодалашда адекват позициянинг устунлиги аниқланган. Идеал альтруистик «Мен» образида мазкур баҳолаш биров юқорироқ баҳоланган. Мазкур ҳолатда талаба идеал образдаги альтруистик хулққа сахий, ҳаддан ортиқ дардқаш, ҳаммага ёрдам беришга интилиш каби сифатларни кўпроқ белгилаганлари уларда альтруистик хулқнинг шахслараро муносабатлардаги аффектив компонентини устувор этиб белгилаётганлигидан далолат беради. Умуман олганда, талабаларнинг альтруистик ўз-ўзиларини баҳолашлари кўпроқ қадриятлар тизимидаги касбий йўналганлик контекстида намоён бўлганлиги билан детерминантлашган.

Диссертацион тадқиқотимиз натижасида олинган эмпирик таҳлиллар асосида альтруистик шахснинг психологик портретини тизимлаштиришни жоиз деб билдик. Чунки, аниқланган эмпирик маълумотлар шахс профилини яратиш имкониятини берди. Унга кўра, альтруистик хулқ эгаси бўлган шахснинг психологик портрети коммуникатив, интеллектуал, эмоционал, иродавий, рефлексив сифатлардаги доминант хусусиятлар контекстида тизимлаштирилди (2-расм).

Диссертациянинг **«Шахсда альтруистик хулқни ривожлантиришнинг психологик асослари ва имкониятлари»** деб номланган тўртинчи бобида шахсда рационал альтруистик хулқ мотивларини ривожлантириш учун таклиф этилаётган услубий ёндошувлар ва воситалар таҳлили ҳамда ушбу мақсадда ишлаб чиқилган муаллифлик мазмунидаги ишланманинг асосланиши, унинг апробация натижалари ва самарадорлиги таҳлили келтирилган. Тадқиқотда биз шахсда альтруистик хулқни ривожлантирувчи дастур тузиш вазифасини ҳам белгилаган эдик. Альтруистик хулқни ривожлантириш учун биз томонимиздан

тузилган психокоррекцион дастурда психотерапиянинг илғор илмий йўналишлари ва мактаблари (бехивиоризм, гуманистик, когнитив психология ва б.)да илғари сурилган ғоялар методологик асос қилиб олинди.



**2-расм. Альтруист шахснинг психологик портрети (муаллифлик ёндашуви)**

Шахсда альтруизмни ривожлантириш қуйидаги механизм асосида олиб борилди: шахснинг альтруистик ахлоқ ҳақидаги ахлоқий тасаввурларини таҳлил қилиш учун тушунчалар тизимини аниқлаштириш; шахсдаги альтруизм ва унинг шахс хусусияти сифатида аҳамиятини ошириш учун «альтруист Мен» образини ривожлантириш; шахснинг тенгдошлари ва катталар билан шахслараро муносабат тизимида ўзаро бир-бирини эмоционал қўллаб-қувватлаш кўникмасини шакллантириш учун эмпатияга асосланган ҳамкорликдаги фаолият мотивини ривожлантириш; педагогик-психологик тренинг натижасини самарадорлигини таъминлаш учун болаларда катарсис ҳолатига эришиш лозим.

Тадқиқотда биз синалувчиларда альтруистик хулқ мотивларини ривожлантиришнинг психологик механизмлари асосида концептуал модел яратиб олдик. (3-расм).

Тадқиқотда биз синалувчиларда альтруистик хулқ мотивларини ривожлантиришнинг психологик механизмлари асосида концептуал модел яратиб олдик. Биз томонимиздан таклиф этилган психологик модел асосида ишлаб чиқилган психокоррекцион дастурда ҳар учала гуруҳ респондентларимиз учун алоҳида психотехнологиялар қўлланилди. Психокоррекцион фаолиятимиз уч босқичда амалга оширилди: Биринчи босқичда когнитив соҳага таъсир этиш орқали альтруизм ҳақидаги тушунчалар тизими аниқлаштирилди, ахлоқий

тафаккур шакллантирилди. Иккинчи босқичда аффектив соҳага таъсир этиш орқали эмпатия, ижтимоий перцепция, эмоцияларни идентификациялаш хусусиятлари ривожлантирилди. Учинчи босқичда конатив соҳага таъсир этиш учун ролли ўйинлар, психодрама, хулқ-атворни моделлаштириш усуллари орқали альтруистик хулқ паттернлари таркиб топтирилди.



**3-расм. Шахда альтруизмни ривожлантиришнинг психологик модели.**

Олиб борилган аниқловчи тажриба натижаларидан кўришимиз мумкинки, ўсмирлар, илк ўспиринлар ва талабаларда альтруистик хулқни пастлиги бевосита улардаги эмпатия даражаси пастлиги, эмоционал интеллектнинг сустлиги, хулқ-атвор мотивациясининг пастлиги ва ҳиссий-иродавий, интеллектуал хусусиятларнинг суст даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Шу боисдан, биз аниқловчи тажриба натижаларига кўра, танлаб олинган 35 нафар альтруистик хулққа мойиллик даражаси паст бўлган ўсмирлар, илк ўспиринлар ва талабаларда психокоррекция ва ривожлантирувчи машғулотларни олиб бориб, уларда альтруизм мотивларини ривожлантиришга ҳаракат қилдик. Бунда биз шакллантирувчи машғулотларни олиб бориш учун 20 нафар ўсмирлардан иборат 1- экспериментал гуруҳ ва 15 нафар илк ўспиринлардан иборат 2-

экспериментал гуруҳ ҳамда 22 нафар талабалардан иборат 3-экспериментал гуруҳни ажратиб олдик. Мазкур экспериментал гуруҳда 3 та босқич, 18 та машғулотдан иборат «Шахсда рационал альтруизмни ривожлантириш» деб номланган шакллантирувчи машғулотларни ҳафтада 2 кун 2-2,5 соатдан 1 ой давомида олиб бордик. Ҳар бир босқичда қўлланилган машғулотларни ташкиллаштиришда эксперт сифатида гуруҳ мураббийлари ва таълим муассасасининг амалиётчи психологлари жалб этилди. Улар тегишли кўрсатмалар асосида 3-босқичдаги машғулотларни ташкиллаштиришда иштирок этдилар. Ҳар қандай психокоррекция дастурнинг самарадорлиги назорат тажрибаси орқали аниқланади. Шу боисдан биз томонимиздан ҳам назорат тажрибаси ўтказилди. Шакллантирувчи дастур ўқувчилар орасида ўтказилгандан сўнг улар билан Ф.Раштоннинг «Альтруизм шкаласи» сўровномаси қайта ўтказилди. Аниқловчи ҳамда назорат тажрибалари орасидаги фарқлар таҳлил қилинди. Аниқловчи ва назорат тажрибаларидан олинган натижаларнинг қийсий кўрсаткичлари 4- расмда келтирилган.



**4-расм. Аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари ўртасидаги статистик тафовут**

$M_1$  – аниқловчи тажриба ўрта арифметик қиймати;  $M_2$  – назорат тажриба ўрта арифметик қиймати.

Ўсмирлар гуруҳи бизда 1-экспериментал гуруҳни ташкил этган бўлиб, мазкур гуруҳнинг натижаларида ( $t=-2,77$ ;  $p\leq 0,05$ ) аҳамиятли статистик тафовутлар аниқланди. Назорат гуруҳидан олинган натижалар бўйича аниқловчи ва назорат тажрибалари орасида аҳамиятли ( $t=-0,22$ ) ўзгаришлар кузатилмаган. Назорат гуруҳига танлаб олинган синалувчиларимизда аниқловчи тажриба натижаларига кўра, альтруизмнинг ички мотивлари ҳисобланган эмпатия, эмоционал интеллект, локус назоратнинг юқорилиги аниқланган. Шу боисдан, мазкур гуруҳга мансуб ўсмирларимиз атрофдаги воқеаларга нисбатан ўта

таъсирчан, ўзгаларнинг эмоцияларига толерант ва жавобгарлик ҳиссининг юқорилиги, ёрдамга шошилаётганлар орасида биринчилардан бўлишга интилишлари билан ажралиб турадилар.

Илк ўспиринларда альтруистик хулққа мойиллик даражаси паст чиққанлар 2-экспериментал гуруҳни ташкил этган бўлиб, шакллантирувчи дастур асосида олиб борилган машғулотлардан сўнг назорат тажрибаси натижаларига кўра улар балларининг ўртача арифметик қиймати 6,3 баллга ортган. Иккинчи экспериментал гуруҳдаги аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари орасида аҳамиятли статистик тафовут ( $t = -3,17$ ;  $p \leq 0,05$ ) аниқланди. Назорат гуруҳи натижалари бўйича аниқловчи ва назорат тажрибалари орасида аҳамиятли ( $t = -0,18$ ) ўзгаришлар кузатилмаган. Мазкур ҳолатни илк ўспиринларимиздаги олий ҳисларнинг ва қадриятлар тизимининг шаклланганлиги билан боғлаш мумкин.

Талабалар 3-экспериментал гуруҳни ташкил этган ва шакллантирувчи дастур асосида олиб борилган машғулотлардан сўнг назорат тажрибаси натижаларига кўра улар балларининг ўртача арифметик қиймати 5,3 баллга ортган. Учинчи экспериментал гуруҳдаги аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари орасида аҳамиятли статистик тафовут ( $t = -2,27$ ;  $p \leq 0,05$ ) аниқланди. Назорат гуруҳи натижалари бўйича аниқловчи ва назорат тажрибалари орасида аҳамиятли ( $t = -0,12$ ) ўзгаришлар кузатилмаган. Мазкур ҳолатни талабалардаги олий ҳисларнинг ва қадриятлар тизимининг шаклланганлиги билан боғлаш мумкин.

Умуман олганда, шакллантирувчи дастурда танланган машқлар тўплами шахсда альтруистик хулқнинг ортишига хизмат қилган. Тадқиқот натижаларидан экспериментал гуруҳларда назорат тажрибаларида сезиларли ўзгаришлар бўлганлиги яққол кўриниб турибди.

## ХУЛОСА

«Шахсда альтруистик хулқни ривожлантиришнинг психологик асослари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Шахсдаги альтруистик хулқнинг рационал шакли беғаразлик тамойилига асосланиб, ижтимоий адолат, ўзаро ҳурмат, ҳамкорликдаги фаолликни намоён қилишида интеллектуал хусусиятларга устуворлик берилиши билан тавсифланади.

2. Ўсмирларда «альтруистик хулқ объекти» сифатида тенгдошлари аудиториясига йўналганликнинг кучлилиги ва альтруизм мотивлари ҳамда альтруистик хулқнинг ўзига хос тарзда ифодаланишида психологик автономиялар, ўз «Мен»ини тасдиқлаш истаги билан боғлиқ намоёишкорона-беқарор позициянинг устувор эканлиги, ўсмирлик даврида жинс тафовутларининг мавжуд эмаслиги кузатилган.

3. Илк ўспиринлик даврида «альтруистик хулқ объекти» сифатида тенгдошлари аудиториясига йўналганликнинг кучлилиги, альтруистик хулқ мотивларининг ифодаланишида «жамиятни фойдали аъзоси» сифатида ўз-ўзини англашнинг шахсий рефлексия даражасида ривожланиб бораётганлиги ҳамда

илк ўспиринлик даврида альтруизмнинг шаклланганлигидаги жинс фарқлар асосан қиз болаларда эмоционал таъсирчанлик, эмпатиявий идентификация билан характерланган бўлса, ўғил болаларда иродавий сифатларнинг устунлиги билан тавсифланган;

4. Талабалик даврида «альтруистик хулқ объекти» сифатида ота-оналар аудиториясининг устуворлиги, касбий рефлексия, ижтимоий идентификация ва эмпатиянинг қадриятлар тизимида барқарор характерга эга бўлиши билан белгиланиши ҳамда талаба қизларда рационал эмпатиянинг ижтимоий фаолиятда намоён бўлишининг кучайиши, ўғил болаларда эса ижтимоий масъулиятнинг таъсирида альтруистик хулқни устувор тавсифланиши аниқланган.

5. Шахсда альтруистик хулқнинг ривожланишида эмоционал интеллект муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўсмирларда ўз-ўзига мотивация бериш, эмпатия, илк ўспиринларда эмоционал билимдонлик, талабаларда эмоционал билимдонлик, эмоцияларни бошқариш, эмпатия, бошқаларнинг эмоцияларини тушуниш доминант характерга эга эканлиги, айниқса, эмпатиявий идентификациялаш альтруистик хулқнинг рационал шакли ривожланишини таъминлаши аниқланган;

6. Ўсмирларнинг ижтимоий хулқ-атворида йўналганлик хусусиятларини белгилаб берувчи барқарор локус назорати сифатлари унинг альтруизмга бўлган мойиллигида ўзини намоён этади, лекин бу ҳолат доминант детерминацияловчи муҳим психологик омил сифатида аҳамиятли корреляцияга эга эмаслиги, илк ўспиринлик ва талабалик даврида ирода кучини локализациялашнинг интернал типи барқарор рационал альтруистик хулқ намоён бўлишини таъминлаши асосланган.

7. Инсондаги альтруистик хулқ намоён бўлиши генезиси, ривожланиши, шаклланишида шахс дифференциал хусусиятлари тизими ҳам ўзига хос таъсирга эга бўлиб, интеллектуал ва эмоционал хусусиятлар гуруҳи альтруистик хулқ билан тўғри пропорционал ривожланиш, намоён бўлиш тенденциясига эга эканлиги далилланган.

8. Шахсдаги «альтруистик Мен»ни реал ва идеал «Мен»да дифференциал ифодаланишига кўра интернал локус назоратнинг вазиятга когнитив баҳо бериш ва ахлоқий тушунчаларни хулққа проекциялаш кўникмалари шаклланишида даражавий намоён бўлиши туфайли альтруистик хулқнинг ривожланишида рефлексив компонент муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

9. Шахсда альтруизмни ривожлантириш учун хулқ-атворнинг когнитив, рефлексив, эмоционал, ижтимоий, мотивацион соҳаларига таъсир этиш йўллари ўзида мужассамлаштирган психокоррекцион дастур самарали натижа бериши асосланган;

10. Шахсда рационал альтруизмни ривожлантириш модели эмпатия, ижтимоий перцепция, ижтимоий масъулият ҳисларини шакллантириш орқали ахлоқий тушунчаларни реал хулқ билан идентифлигини таъминлаш муҳимлигига кўра альтруистик хулқнинг «вербал-конатив идентифлиги» компонентини киритиш асосида такомиллаштирилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
PhD03/30.12.2021.P.26.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**АТАБАЕВА НАРГИС БАТИРОВНА**

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ  
АЛЬТРУИСТИЧЕСКОГО ПОВЕДЕНИЯ ЛИЧНОСТИ**

**19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология. Психология  
развития**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА  
ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под B2022.1.DSc/P33**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете

Автореферат диссертации доступен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный консультант:** **Нишанова Замира Таскараевна**  
доктор психологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Абдурасулов Рустам Абдураимович**  
доктор психологических наук, профессор

**Баратова Дилафруз Шарифовна**  
доктор психологических наук, доцент

**Шамсиев Уктам Бахриддинович**  
доктор психологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный университет востоковедения**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD03/30.12.2021.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100185, г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.Бунёдкор,27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована под №\_\_). (Адрес: 100185, г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.Бунёдкор,27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года  
(протокол реестра рассылки под №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года)

**Ф.А.Акрамова**  
Председатель Ученого совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор психологических наук, доцент

**Д.С.Каршиева**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор философии по  
психологическим наукам (PhD), доцент

**Н.Г.Камилова**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, доктор  
психологических наук, доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Наряду с достижениями мирового процесса глобализации в жизни и деятельности личности отмечаются тенденции к увеличению изменений в поведении, связанных с эгоизмом, приоритетом собственных интересов, увеличение преступлений, основанных на кибертехнологиях, снижение значение вопросов нравственного развития личности. «Формирование стабильной системы нравственных и смысловых установок личности, позволяющих противостоять идеологии экстремизма, национализма, ксенофобии, коррупции, дискриминации по социальным, религиозным, расовым, национальным признакам и другим негативным социальным явлениям»<sup>8</sup> становится все более важным. В связи с этим решаются вопросы усиления интегративного проявления нравственного сознания и его мотивов конструктами Эго-структуры, формирования психологического иммунитета, совершенствования научно-методических основ обеспечения стабилизации нравственных понятий в системе личностных ценностей, и создание практических программ нового содержания, направленных на развитие мотивов альтруистического поведения, остаются актуальными проблемами.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям в области определения влияния когнитивного, аффективного, конативного компонентов мотивов альтруизма на поведение личности с нейробиологической точки зрения, выработки альтруистической позиции в различных формах межличностных отношений посредством эмпатической направленности, выявляющей нейросоциопсихологическое влияние социально-экономических факторов на нравственное развитие человека. В связи с этим необходима психологическая повторная систематизация уровня когнитивных факторов, влияющих на формирование мотивов альтруистического поведения молодежи, формирование психологически стабильной среды молодых людей на основе интериоризации ценностей, повышение их социальной активности за счет интегративного влияния личностных дифференциальных характеристик, устранение эгоистических, с самых первых этапов онтогенетического развития на приоритетном уровне проводятся научные исследования по вопросам адаптации психотехнологий к национальной среде, направленные на развитие «альтер Эго» на основе конструктивной систематизации.

В последние годы создана необходимая нормативно-правовая база на концептуальных идеях воспитания молодежи Нового Узбекистана в творчестве, науке, образовании и воспитании по принципу «Судьбу Родины решает воспитание молодежи»<sup>9</sup>, определена приоритетная задача «воспитание молодежи в духе патриотизма, чувство гражданства, толерантности, уважения к национальным и общечеловеческим ценностям, способности противостоять

<sup>8</sup><https://rg.ru/documents/2015/06/08/vospitanie-dok.html> (мурожаат ҳолати 2021 йил 15 декабрь).

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 30 сентябр /<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>

пагубным влияниям и течениям, иметь твердые убеждения и взгляды на жизнь»<sup>10</sup>. В связи с этим особое внимание уделяется исследованиям в направлении научного обоснования новых теоретических решений, направленных на воспитание нравственных качеств личности, выявление дифференциальных аспектов психологических факторов, влияющих на рациональное формирование альтруистического поведения, развитие психодиагностических возможностей проявления альтруистических переживаний и углубления психологических механизмов коррекции эгоистических установок через трансформацию ценностей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации масштабных стратегических мероприятий, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлениями от 14 августа 2018 года №ПП-3907 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания», Постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 июля 2020 года №422 «О мерах по поэтапному внедрению в практику предмета “Воспитание” в общеобразовательных учреждениях», от 7 июня 2019 года №472 «О дальнейшем совершенствовании системы подготовки кадров в области психологии и мерах профилактики правонарушений в обществе» а также в решении задач, поставленных в других нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, нравственно-просветительском образовательном развитии информатизации общества и демократического государства».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.**<sup>11</sup>

Психологические научные исследования по проблеме нравственного развития личности, развития мотивов альтруизма проводятся в следующих ведущих образовательных организациях и научных центрах мира, в т.ч.: «Международная ассоциация расширения возможностей волонтеров», (Великобритания); Британское Психологическое общество (Великобритания); «Волонтерская ассоциация» (Германия); Сарбоннский университет (Франция); Национальный образовательный университет (Корея); Ассоциация анализа мировых систем ценностей (Швеция); Московский государственный

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ЎПК-406 / <http://lex.uz>

<sup>11</sup> Диссертация мавзусига доир хорижий тадқиқотлар Буюк Британиянинг International Association for the Promotion of Volunteers ([URL:https://www.iave.org/transformativimpact/uk-aid-for-websites-small/](https://www.iave.org/transformativimpact/uk-aid-for-websites-small/)), Буюк Британиянинг British Psychological Society ([URL:https://www.bps.org.uk/](https://www.bps.org.uk/)), Германиянинг The Federal Volunteer Service ([URL: https://ru-geld.de/en/migration/work/volunteer.html](https://ru-geld.de/en/migration/work/volunteer.html)), Франциянинг International Association of Universities ([URL: https://www.iau-aiu.net](https://www.iau-aiu.net)), Кореянинг National University of Education ([URL: https://knu.ac.kr/smain.html](https://knu.ac.kr/smain.html)), Швециянинг World Values Survey Association ([URL:https://www.worldvaluessurvey.org/wvs.jsp](https://www.worldvaluessurvey.org/wvs.jsp)), Россия Федерациясининг Московский государственный университет имени М. В. Ломоносова ([URL: https://international.msu.ru/ru](https://international.msu.ru/ru)) проводятся в ведущих мировых научных центрах, фондах, ассоциациях и федерациях.

университет имени М. В. Ломоносова (Российская Федерация).

